



TOSHKENT DAVLAT YURIDIK UNIVERSITETI REKTORINING B U Y R U G ' I

2020-yil «11» dekabr

08-242-son

Тошкент давлат юридик университетида гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлашга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Тошкент давлат юридик университетида (кейинги ўринларда – Университет) хотин-қизлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, гендер тенглиги тамойилини самарали тадбиқ этилишини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона сиёсатини амалга ошириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни кафолатлаш билан боғлиқ муносабатларга тўғридан-тўғри таъсир қиладиган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилганлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги 402-сон қарори билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосидаги қабул параметрлари доирасида хотин-қизлар учун қўшимча 4 фоиз жой ажратилганлиги;

университет ректорининг 2020 йил 2 октябрдаги 02-134-сон буйруғига мувофиқ талабаларни қабул қилиш жараёнида ажратилган 4 фоиз қўшимча давлат гранти асосида жорий йилда 20 нафар хотин-қизлар талабалар сафига қабул қилинганлиги;

университетнинг Талабалар ва ходимлар ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти ташкил қилинганлиги;

университетда Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилиб, фаолият юритаётганлиги ҳамда университет Одоб-ахлоқ

кодексини 34-моддасига асосан жамоатчилик назоратида иштирок этиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Университетда гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлашнинг асосий йўналишлари иловага мувофиқ таъминлансин.

3. Проректорлар (И.Рустамбеков, Н.Салаев, Д.Умаров, А.Ҳашимхонов, А.Иминов):

хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлашга қаратилган ишлар ташкил этилишини мунтазам равишда мувофиқлаштирсин.

4. Барча таркибий бўлинма раҳбарлари гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича фаолиятни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашнинг қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

5. Факультет деканлари:

факультетлар кесимида ўтказиладиган спорт ва бошқа оммавий тадбирларда хотин-қизлар фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб борсин;

гендер тенглиги масалалари, шу жумладан, хотин-қизларга бўлган ҳурмат, хотин-қизларни эъзозлаш кўникмаларини 1-курсдан бошлаб талабаларда шакллантириш мақсадида семинар-тренинглар ташкил қилсин;

факультетда ўқув жараёнида ҳамда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича ишларни ташкил этишга, шу жумладан университетда гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлашнинг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажарилиши юзасидан шахсан ҳар бир факультет декани ўз факультети доирасида масъул эканлиги алоҳида белгилаб ўтилсин.

7. Кадлар бўлими (А.Матмуродов) ишга қабул қилишда университетда гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлашнинг асосий йўналишларига жиддий эътибор қаратсин ҳамда хотин-қизлар учун тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. Университет хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаши (У.Хайдарова) Маънавият ва маърифат маркази (Ш.Пўлотов) билан биргаликда:

университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба ёшлари орасида гендер тенглиги сиёсатини янада кенгроқ тарғиб қилинишини таъминлаш юзасидан чора тадбирларни амалга оширсин;

университетда профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба ёшлар орасида тизимли равишда гендер тенглиги сиёсати мавзусида семинар-тренинглар ва талаба ёшлар орасида турли мусобақаларни ташкил қилсин;

гендер кўрсаткичлари асосида университет ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ҳолатини ақс эттирадиган статистик ахборотни таҳлил қилиб борсин.

10. Университет хотин-қизлар масалалари бўйича Кенгаши (У.Хайдарова):

Кенгаш ваколати доирасида хотин-қизларга оид масалаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин;

белгиланган вазифалар ижросини пухта таҳлил қилиб, бажарилган ишлар ҳақида ҳар ойда университет ректорига ахборот киритиб борсин.

11. Катта юрисконсулт (Э.Хосилов) университет ички ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги нуктаи назаридан гендер таҳлилинини ўтказсин.

12. Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими (Ж.Вафоев) университетда гендер сиёсатини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни тизимли равишда университетнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилишини ҳамда талаба ва ходимларнинг эътиборига етказилишини ҳамда республика оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур буйруқнинг ижроси назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ректор



Р.Ҳақимов

Лойиҳа киритди:
Илмий бошқарма бошлиғи

И.Эргашев

Келишилди:
Проректор

Н.Салаев

Катта юрисконсулт

Э.Хосилов

Тошкент давлат юридик университетининг гендер сиёсатини таъминлашнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1-боб. Асосий қоидалар

1. Тошкент давлат юридик университетининг гендер сиёсатини таъминлашнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Тошкент давлат юридик университетда (кейинги ўринларда – университет) хотин-қизлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, гендер тенглиги тамойилини самарали тадбиқ этилишини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона сиёсатини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари билим ва кўникмаларидан унумли фойдаланиш ва уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва амалиётга жорий қилиш гендер тенглиги муҳитини яратишга имкон яратади. Ўз навбатида гендер тенглиги сиёсатининг тўғри олиб борилиши ва яратилган тенг имкониятлар университетда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар сифатини юқори даражага олиб чиқиш ва бу борада белгиланган вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

3. Университетнинг гендер тенглигини таъминлаш борасидаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

4. Университетда профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил даражада ўқиш ва меҳнат қилиш имконияти яратилади.

5. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, университет ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизларни иштирокини кучайтириш, шу жумладан, қабул параметрлари доирасида хотин-қизларни талабалikka тавсия қилиш кўрсатғичини

50 фоизгача етказиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

6. Университетда гендер тенглиги бўйича мақсадли ва тизимли ишлар олиб борилади. Университетнинг барча раҳбар ҳодимлари, таркибий бўлимлар бошлиқлари, кафедра мудирлари, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари гендер тенглиги тамойилини самарали тадбиқ этилишини таъминлаш учун масъулдирлар.

2-боб. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги университет сиёсатининг асосий йўналишлари

7. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги университет сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш (дискриминация)га йўл қўймаслик;
- барча учун тенг имкониятлар яратиш;
- ишга қабул қилиш ва бошқарув лавозимига тайинлашда тенг имкониятлар бериш;
- университетни бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;
- иш ҳақи ва меҳнатга оид мажбуриятларни бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;
- университет истиқболини белгилашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш.

3-боб. Жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш (дискриминация)га йўл қўймаслик

8. Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг университет ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан бошқарув, маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жабҳаларда жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмайди.

9. Университет хотин-қизлар ва эркакларга университет ҳаётидаги шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқликни кафолатлайди.

10. Факультетлар жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш (дискриминация)га йўл қўймаслик мақсадида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги университет

сиёсатининг асосий йўналишлари мазмуни билан барча талабалар ва ходимларнинг танишиб чиқишларини таъминлашга доир ишларни амалга оширади.

11. Ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган таълим дастурлари доирасида гендер тенглиги барча босқичларда бир хил тарзда қўлланилади.

12. Гендер тенглиги, тенг ва хилма-хил имкониятлар ҳақида ходимлар ва талабаларга маълумот етказиш ва ўргатиш учун ушбу тамойиллар университет асосий фаолиятининг барча соҳасига кириб бориши таъминланади.

4-боб. Барча учун тенг имкониятлар яратиш

13. Университетда барча учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича алоҳида фаолият олиб борилади:

университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабаларида тенг имкониятлар борасидаги билим ва кўникмаларини тарғибот ва семинар-тренинглар ўтказиш орқали ошириш;

университетга ходимлар ва талабаларни қабул қилишда гендер тенглигини таъминлаш бўйича тизимли ва мақсадли ишларни олиб бориш ва барча учун тенг имкониятларни яратиш;

университет ходимлари ва талабаларини тазйиқлардан ҳимоя қилиш ва тазйиққа қарши курашиш бўйича тизимли ва мақсадли ишларни олиб бориш.

5-боб. Ишга қабул қилиш ва бошқарув лавозимига тайинлашда тенг имкониятлар бериш

14. Ишга қабул қилиш қилишда хотин-қизлар учун тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш чоралари кўрилади ва уларга эркаклар билан бир хилда тенг шароитлар яратилади.

15. Ишга қабул қилишда гендер тенглигига қўйидаги жабҳаларда риоя қилинади:

таълимнинг ҳар бир босқичида;

ўқитувчилар таркибининг барча тоифаларида;

бошқарув, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар орасида.

16. Истикболли кадрларни танлаш ва уларни лавозимга тайинлаш жараёнида хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилади.

6-боб. Университетни бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш

17. Университетда бошқарув ҳамда раҳбарлик лавозимларини эгаллашда гендер тенглигини таъминлаш бўйича доимий равишда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади. Ушбу тадбирларни амалга оширилишидан асосий мақсад барча раҳбарлик лавозимларида аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликни таъминлаш орқали ҳамма соҳада уларни фаол иштирокини таъминлаш ҳисобланади.

7-боб. Иш ҳақи ва меҳнатга оид мажбуриятларни бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

18. Университетнинг асосий мақсадларидан бири бу барчага тенг меҳнат шароитларида ишлаши ва меҳнат қилиш ва ўз вақтида ҳамда етарли ҳақ тўлашни таъминлашдир.

19. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тизимли ишларда иш ҳақи дифференциалларини таҳлил қилиш чораларини қўллаш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

20. Хотин-қизларни ишга олишда эркаклар билан тенг шарт-шароитларини яратиш борасида доимий равишда қўйидаги ишлар амалга оширилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан иш ҳақи миқдори университетнинг локал хужжатларига мувофиқ белгиланади:

ишга қабул қилишда хотин-қизлар учун махсус квоталар белгиланади; аёллар орасида муддатли лавозимлар мониторинги олиб борилади.

8-боб. Университет истиқболини белгилашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

21. Ўқитишнинг гендер тенглигига оид масалалар университетда малакали кадрлар тайёрлашнинг асосий жиҳати бўлиб ҳисобланади.

Шу мақсадда ҳар бир йўналиш бўйича комплекс тарзда такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланади.